



МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИГА МОЛЯВИЙ ИМТИЁЗЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Жаъсур Умирзоқов,

Тошкент молия институти доценти в.б, PhD,
Тошкент, Ўзбекистон. E-mail: jasur_umirzokov@bk.ru
ORCID: 0009-0009-1572-2560

THE EFFECT OF FINANCIAL BENEFITS ON THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT OF THE SPECIAL ECONOMIC ZONE

Jasur Umirzokov,

PhD., Acting associate professor of the Tashkent Institute of Finance,
Tashkent, Uzbekistan. E-mail: jasur_umirzokov@bk.ru
ORCID: 0009-0009-1572-2560

JEL Classification: G1, G11

Аннотация. Мақолада махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳити жозибadorлигига молявий имтиёзларнинг таъсири тадқиқ этилган. Маълумки, инвестиция муҳити жозибadorлигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда ушбу омилларнинг таъсир даражасини баҳолаш орқали инвестиция муҳитини янада ошириш учун илмий асосланган хулосалар шакллантириши имконияти мавжуд бўлади. Бу борада, махсус иқтисодий зоналардаги инвестиция муҳитига қатор омиллар таъсир этади. Жумладан, махсус иқтисодий зоналарга оид қонунчилик асослари, инвесторлар мол-мулки, қонуний ҳуқуқларининг кафолатланганлиги, эркин валюта муносабатларининг амал қилиши, молявий имтиёзларнинг қўлланилиши, коррупция даражаси ва бошқа омиллар. Унга кўра, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига бериладиган солиқ ва божхона имтиёзларининг киритилаётган инвестициялар ҳажмига таъсири эконометрик таҳиллар асосида баҳоланган. Энг кичик квадратлар усули орқали махсус иқтисодий зоналар инвестиция фаолиги моделлаштирилган. Таҳил натижаларига кўра, хулосалар

шакллантирилиб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract. The article has researched the influence of financial benefits on the attractiveness of the investment environment of special economic zones. It is known that by determining the factors affecting the attractiveness of the investment environment and evaluating the level of influence of these factors, it will be possible to formulate scientifically based conclusions to further improve the investment environment. In this regard, a number of factors affect the investment environment in special economic zones. In particular, the legal basis of special economic zones, the guarantee of investors' property, legal rights, the validity of free currency relations, the use of financial incentives, the level of corruption, and other factors. According to it, the impact of tax and customs benefits given to the participants of special economic zones on the volume of investments was evaluated on the basis of econometric studies. The investment activity of special economic zones was modeled by the method of least squares. According to the results of the analysis, conclusions were formed, and scientifically based proposals and recommendations were developed.

Калит сўзлар: махсус иқтисодий зона, инвестиция муҳити, солиқ ва божхона имтиёзлари, инвестиция оқими, инвестициялар, инвестицион фаоллик, Gauss-Markov шартлари, Breusch-Pagan (White test) testi

Key words: special economic zone, investment environment, tax and customs benefits, investment flow, investments, investment activity, Gauss-Markov conditions, Breusch-Pagan (White test) test

Кириш. Ҳозирги кунда республикада 20 дан ортиқ махсус иқтисодий зоналар, шу жумладан саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, фармацевтика каби соҳаларга ихтисослашган саноат зоналари фаолият юритмоқда. “2008-2022 йилларда ушбу махсус иқтисодий зоналарда умумий қиймати 3,2 млрд АҚШ доллариға тенг бўлган жами 604 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган. Жалб қилинган инвестицияларнинг 896,9 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир. Мазкур инвестиция лойиҳалари ҳисобига 55 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган. 2020-2022 йилларда иқтисодий зоналардаги корхоналар қарийб 242,2 млрд.сўм миқдорда фойда солиғи имтиёзидан фойдаланган[8]”. Аммо, берилган имтиёзларни қўллаш борасидаги қонунчиликдаги қатор номувофиқликлар сабаб, инвестиция муҳити жозибдорлигини оширишда қатор муаммолар ҳам кузатилмоқда. Шу мақсадда, махсус иқтисодий зоналардаги молиявий имтиёзлар туркумига кирувчи солиқ ва божхона имтиёзларининг махсус иқтисодий зоналарга киритилаётган инвестициялар ҳажмига таъсирини эконометрик жиҳатдан баҳолаш долзарб ҳисобланади. Натижада, молиявий имтиёзлар самарадорлигини ошириш

орқали инвестиция муҳити жозибдорлигини яхшилаш имконияти пайдо бўлади.

Бу борада, махсус иқтисодий зоналар фаолиятининг эконометрик таҳлилида улардаги инвестиция муҳити ва фаоллигига таъсир этувчи омиллар – молиявий имтиёзларнинг (солиқ ва божхона имтиёзлари) таъсирини баҳолаш орқали мазкур саноат зоналардаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, инвестиция оқимини фаоллаштириш юзасидан тавсифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Материал ва метод. Махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳитига фаол таъсир этувчи омиллар: солиқ ва божхона имтиёзларининг инвестиция оқимига таъсирини аниқлашда энг кичик квадратлар усули – OLS (*ordinary least squares*) моделидан фойдаланилган.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишини прогнозлаш усуллари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борган иқтисодиёт фанлари доктори И.Абдуллаевнинг таъкидлашича, бу усулнинг моҳияти шундаки, кузатилаётган ҳамда ҳисобланаётган катталиклар ўртасидаги квадрат четланишлар йиғиндисини камайтиришдан иборат. Ҳақиқий ва ҳисобланган қийматлар ўртасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, регрессия тенгламаси асосида ҳисобланган прогноз шунчалик аниқ бўлади. Ўрганилаётган ҳолат моҳиятининг назарий таҳлили, ўзгариши вақтли қаторларда акс этиб, эгри чизиқни танлаш учун асос бўлади [7].

OLS моделининг базавий кўриниши қуйида формула орқали ҳисобланади:

$$y_{t+1} = a * x + b$$

формулада: $t + 1$ – прогноз даври, y_{t+1} – прогноз қилинаётган кўрсаткич; a ва

b – коэффициентлар, x – вақтнинг шартли қиймати.

a ва b коэффициентларни қуйидагича ҳисоблаш ўринли бўлади:

$$a = \frac{\sum_{i=1}^n (Y_i * X) - (\sum_{i=1}^n X * \sum_{i=1}^n Y_i) / n}{\sum_{i=1}^n X^2 - (\sum_{i=1}^n X)^2 / n}$$

$$b = \frac{\sum_{i=1}^n (Y_i)}{n} - \frac{a * (\sum_{i=1}^n X)}{n}$$

ушбу формулалардаги Y_i –

динамик қаторнинг ҳақиқий қиймати, n -вақтли қаторлар даражаси сонини ифодалайди.

Махсус иқтисодий зоналардаги қулай инвестиция муҳити амалий натижасини тавсифловчи киритилаётган инвестициялар ҳажмига бевосита таъсир этувчи кўрсаткичларни эконометрик таҳлил қилишда қуйидаги йиғма маълумотлардан фойдаланилган (1-жадвал):

1-жадвал

Махсус иқтисодий зоналарга киртилган инвестициялар ва уларга берилган солиқ ва божхона имтиёзлари [8]

Йиллар	Махсус иқтисодий зоналарга киритилган инвестициялар ҳажми, млн. долл. (Y)	Махсус иқтисодий зоналар учун қўлланилган имтиёзлар, (x1, x2)	
		солиқ имтиёзлари, млрд. сўм (x1)	божхона имтиёзлари, млрд. сўм (x2)
2009	20,8	10,8	5,9
2010	35,7	25,3	12,7
2011	41,1	56,7	39,7
2012	18,2	85,4	86,4
2013	15,72	101,7	93,5
2014	33,71	72,3	49,7
2015	140,53	63,8	107,3
2016	98,31	97,1	75,6
2017	66,5	165,7	95,4
2018	49,18	88,2	88,3
2019	791,34	35,4	884,4
2020	749,35	89,5	759,9
2021	416,81	0	40,8
2022	541,96	563,2	38,2

Тадқиқот давомида махсус иқтисодий зоналарга киритилаётган инвестициялар ҳажмига солиқ ва божхона имтиёзларининг таъсирини эконометрик таҳлил қилинган. Бунда 14 йиллик, яъни 2009-2022 йилларда махсус иқтисодий зоналарга киритилган инвестициялар ҳажми (INV), махсус иқтисодий

зоналардаги иштирокичларга берилган солиқ (TP) ва божхона (CP) имтиёзлари борасидаги йиғма маълумотлардан фойдаланилган.

Қуйида эконометрик таҳлили амалга оширилган кўрсаткичларнинг тасвирий статистикаси келтирилган (2-жадвал):

2-жадвал

Ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси¹

Ўзгарувчилар	Кузатувлар сони	Ўртача миқдор	Стандарт четланиш	Минимум	Максимум
Кирилган инвестициялар ҳажми	14	215.6357	283.5689	15.7	791.3
Солиқ имтиёзлари	14	103.9357	138.8941	0	563.2
Божхона имтиёзлари	14	169.8429	279.2103	5.9	884.4

Юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг тасвирий статистикасидан маълум бўладики, 2012 йилда махсус иқтисодий зоналарга энг кам миқдорда инвестициялар жалб этилган. Ушбу ҳолатни мамлакатимизда 2008 йилда дастлабки махсус иқтисодий зона ҳисобланган “Навой” эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, солиқ имтиёзларининг қўлланилмаган даври 2020 йилга тўғри келади. Таъкидлаш керакки, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилингунига қадар эркин иқтисодий зоналар иштирокчиси мақомини олган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан солиқ ва боғхона тўловларидан имтиёзлар берилган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сон “Алоҳида солиқ ва боғхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони билан барча солиқ ва боғхона тўловларидан имтиёзлар муддатидан олдин бекор қилинган. Мазкур ҳолат махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигига ҳам салбий таъсирини ушбу зоналарга 2020 йилда жалб этилган инвестицияларнинг

ҳажми 2019 йилга нисбатан 332,5 млн долларга ёхуд 55,6 фоизга камайишига олиб келган. Шунингдек, ушбу йилда имтиёзларнинг бекор қилиниши натижасида махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи қисмлар импорт қилишда берилган солиқ ва боғхона тўловларидан, корхона фойда солиғи бўйича имтиёзлардан вақтинча фойдалана олмаган.

Мавзу доирасида инвестиция муҳитининг хавфсизлик даражасини баҳолаш борасида олиб борилган илмий-тадқиқотларда баҳолаш натижалари жумласига қуйидагилар киритилган:

- мамлакат инвестицион хавфсизлигини юқори даражага олиб чиқиш йўлидаги хусусиятлар ва қонуниятларни тадқиқ этиш [1];
- инвестицион хавфсизликнинг интеграциялашган индексининг моҳияти ва тузилишини аниқлаш [3];
- инвестиция муҳитини баҳолашнинг таҳлил ва тадқиқот ўтказилган мамлакатлар намунасини шакллантириш [4];
- ретроспекция даври учун маълум бир мамлакатлар намунасига асосланиб, кириш параметрлари тизимини яратиш [5];
- дунё мамлакатларининг инвестиция муҳити хавфсизлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш [6];

¹ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

- индексларнинг чегаравий қийматларини белгилаш [6].

Натижалар. Махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш, киритилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтиришда солиқ ва божхона имтиёзлари муҳим ҳисобланади. Ушбу фикр тасдиғини қуйидаги 3-

жадвалдаги корреляция таҳлили натижалари орқали кўриш мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра, махсус иқтисодий зоналарга киритилган инвестициялар ва солиқ имтиёзлари ўртасида бошқа омилларни ўзгармас, деб қаралган ҳолатда 25 фоиз, божхона имтиёзлари ўртасида 81 фоиз боғлиқлик мавжудлигини кўрамыз.

3-жадвал

Корреляция таҳлили натижалари²

Ўзгарувчилар	Киритилган инвестициялар ҳажми	Солиқ имтиёзлари	Божхона имтиёзлари
Киритилган инвестициялар ҳажми	1.0000		
Солиқ имтиёзлари	0.2527	1.0000	
Божхона имтиёзлари	0.8106	-0.1297	1.0000

Мазкур тариф ва нотариф механизмлар орқали махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблабмиз. Махсус иқтисодий зоналар асосан импорт фаолияти билан кўп шуғулланлиги боис киритилаётган инвестициялар ҳажмига божхона имтиёзларининг боғлиқлигини кучли. Бу, ўз навбатида, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга салбий таъсир этади. Бу борада, солиқ имтиёзларининг аҳамиятини ошириш орқали махсус иқтисодий зоналарга киритилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва юқори қўшимча қийматга

эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мумкин.

Тадқиқот давомида махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳити ва киритилаётган инвестиция ҳажмига солиқ ва божхона имтиёзларининг таъсирини Stata орқали амалга оширилган регрессия таҳлили натижалари асосида баҳоладик. Ўтказилган регрессия таҳлили натижаларидан маълум бўладики, детерминация коэффиенти (R-квадрат) 0,78 га тенг. Бу махсус иқтисодий зоналарга киритилган инвестициялар ҳажмига солиқ ва божхона имтиёзларининг 78 фоиз таъсири мавжудлигини, шунингдек 22 фоиз бошқа омиллар саноат зоналари инвестиция муҳитига таъсир этишини англатади.

4-жадвал

Регрессия таҳлил натижалари³

Манба	SS	df	MS	Кузатувлар сони	=	
Model	822995.15	2	411497.575	F (2,11) қиймат	=	20.36
Residual	222352.182	11	202136.8347	Эҳтимоллик > F	=	0.0002
Жами	1045347.33	13	8.411.3332	Детерминация коэфф.	=	0.7873
				R - квадрат	=	0.7486
				Тузилатилган детерминация коэфф. Adj R - квадрат	=	0.7486
				Root MSE	=	142.18

INV	Коэффициент	Стандарт хатолик	t параметр	Эҳтимоллик > t	[95% ишончлилик оралиғи]

² Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

³ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

TP	.743193	.2863222	2.60	0.025	.1130022	1.373384
CP	.8711801	.1424319	6.12	0.000	.5576897	1.184671
_cons	-9.5723.8	55.69066	-0.17	0.867	-132.1466	113.002

Ўтказилган регрессия таҳлили натижалари махсус иқтисодий зоналар инвестиция муҳитини натижавий тавсифловчи киритилган инвестиция ҳажмига солиқ, божхона имтиёзлари таъсирини акс эттирувчи энг кичик квадратлар усули – OLS (*ordinary least squares*) умумий эконометрик моделни қуйидагича тузамиз:

$$y (INV) = 0,74 TP + 0,87 CP - 95$$

Тузилган OLS модели орқали махсус иқтисодий зоналар учун берилган солиқ имтиёзлари (TP) ҳажмининг 1 бирликка ошиши ушбу зоналарга киритилган инвестициялар ҳажмининг 0,74 млн долларга ошишига ижобий таъсир кўртади, дейиш мумкин. Божхона имтиёзлари 1 бирликка оширилиши махсус иқтисодий зоналардаги инвестициялар ҳажмининг 0,87 млн долларга ошишига олиб келади.

Юқорида Stata дастури орқали тузилган эконометрик моделнинг ишончилигини қатор тестлар орқали текшираемиз. Моделнинг ишончилиги f тест билан текширилганда, f ҳақиқий қиймат 20,36 га тенг эканлиги аниқланди. Эҳтимоллик қиймати 0,0002 га тенг. Эконометрик моделларнинг ҳоссасига кўра, эҳтимоллик қиймати 0,05дан кичик бўлиши f тест натижасида тузилган модел ишончлидир. Демак, моделimiz ишончли ҳисобланади. Бундан ташқари, тузилган моделни параметрлар бўйича ҳам ишончилигини текшираемиз. Бунинг учун t тестдан фойдаланамиз. Унинг қиймати параметрлар бўйича мос равишда 2,60 ва -0,17 га тенг. Эҳтимоллий қийматлари эса мос равишда 0,025 ва 0,000 га тенг. Эконометрик моделларнинг ҳоссаси эҳтимоллик қиймати 0,05 дан

кичик бўлиши t тест бўйича модел ишончилигини аниқталади.

Амалга оширилган эконометрик таҳлил натижалари ишончилигини Gauss-Markov шартлари асосида текшираемиз:

1. Ушбу таҳлил натижаларининг кузатувлар сони параметрлар сонидан кўп, яъни кузатувлар сони 14 та, параметрлар сони 3 та тенг эканлигини кўрсатади. Бу эса, моделнинг ишончилигини текширишнинг Gauss-Markov 1-шартига мос келади.

2. Gauss-Markov шартларининг 2-шартига мувофиқ, эмпирик маълумотлар йиғиндиси модел маълумотлар йиғиндиси билан тенг бўлиши талаб этилади. Юқоридаги 2-жадвалга кўра, ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси кўриб чиқилаётган ҳолатда эмпирик маълумотлар йиғиндиси $Y = 215,6$ ва модел қийматлари билан тенг бўлган, яъни ушбу шарт ҳам қаноатлантирилган.

3. Gauss-Markov шартларининг 3-шартига мувофиқ, қолдиқлар омил белгилар билан боғланмаган бўлиши шарт. Агар қолдиқлар ва омил белгилар ўзаро боғлиқ бўлса гетероскадастлик ҳолати дейилади. Агар қолдиқлар ва омил белгилар ўзаро боғлиқ бўлмаса гомоскадастлик ҳолати дейилади ёки гомогенлик дейилади. Мазкур шартни график, корреляцион жадвал ёки тестлар орқали текшириш мумкин. Биз ушбу шарт талабларини энг кенг тарқалган тестлардан бири – White test Brosh Pagan тести орқали текшираемиз. Таҳлил натижалари ва тузилган модел ишончилигини дастлаб, Гаус Марков шартларига кўра, Breusch-Pagan (White test) тести асосида текширилганда қуйидаги текширув натижалари олинди:

Breusch-Pagan / Cook-Weisberg test for heteroskedasticity

H₀: Constant variance

Variables: fitted values of INV



chi2(1) = 2.18

Prob > chi2 = 0.1401

1-расм. Breusch-Pagan (White test) тести натижалари⁴

Тест натижаларига кўра, $p > 0,05$ дан катта. Яъни, қолдиқлар модел билан ўзаро боғланмаган (гомоскадастиклик мавжуд). Бунда муқобил гипотеза (H_1) рад этилиб, бош гипотеза (H_0)ни қабул қиламиз. Шу орқали, Gauss-Markov шартларининг 3-шарти каноатлантирилди.

4. Gauss-Markov шартларининг 4-шартига мувофиқ, қолдиқлар ўзаро боғланмаган бўлиши керак, яъни эркин ҳолатда бўлиши талаб этилади. Бунда қолдиқларлар орасидаги автокорреляция текширилади. Уч ҳолатда аниқланади: график ва автокорреляция усуллари, Durbin Uotsin тести.



2-расм. Gauss-Markov шартларини текширишнинг график ва автокорреляция таҳлили натижалари⁵

Gauss-Markov шартларининг 4-шарти бўйича қолдиқлар графикда нисбатан тарқоқ жойлашган. Шунингдек, қолдиқларнинг ишонч оралиғида жойлашганлиги қолдиқлар орасида автокорреляциянинг нисбатан мавжуд эмаслигини билдиради.

Шунингдек, қолдиқлар орасидаги боғлиқликнинг текшириш учун Durbin Uotsin ва Breusch-Godfrey LM тестларидан фойдаланамиз. Stata дастури орқали қолдиқлар ўртасида боғлиқликнинг Durbin Uotsin тести натижалари қуйидагича аниқланди:

Durbin-Watson d-statistic(3, 14) = 1.152567

Breusch-Godfrey LM test for autocorrelation

lags(p)	chi2	df	Prob > chi2
1	7.004	1	0.0081

H₀: no serial correlation

3-расм. Breusch-Godfrey LM тести натижалари⁶

Ушбу тест натижаларига кўра, $p < 0.01$ дан кичик, H_0 гипотезани рад этиб,

⁴ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

⁵ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

⁶ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

H_1 гипотезани қабул қиламиз.

боғланмаган бўлиши талаб этилади. Ушбу ҳолатда VIF тестидан фойдаланилган.

5. Gauss-Markov шартларининг 5-шарти бўйича омиллар ўзаро

5-жадвал

VIF тести натижалари⁷

Ўзгарувчилар	VIF	1/VIF
CP	1.02	0.983169
TP	1.02	0.983169
Mean VIF	1.02	

Таҳлил натижалари, омил белгилар ўртасида мултиколлинеарлик мавжуд эканлигини аниқлашди. Шундай бўлсада, амалий жиҳатдан, агар коэффициентлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини инобатга олсак, омиллар ўртасидаги боғлиқлик бўлишини иккинчи даражали жиҳат сифатида баҳолаш ўринли.

Markov шартларининг 6-шарти бўйича текшириш орқали қолдиқларнинг нормал тақсимланганлиги ўрганилади. Унга кўра, Shapiro-Wilk W ва Skewness/Kurtosis тестларидан фойдаланамиз. Gauss-Markov шартлари бўйича Shapiro-Wilk W ва Skewness/Kurtosis тестлари натижалари асосида H_0 гипотезани рад этиб, H_1 гипотезани қабул қиламиз.

6. Таҳлил натижаларини Gauss-

6-жадвал

Shapiro-Wilk W ва Skewness/Kurtosis тестлари натижалари⁸

Shapiro-Wilk W тести					
Ўзгарувчи	Кузутувлар сони	W	V	z	Эҳтимоллик > z
r .sktest r	14	0.77742	4.119	2.787	0.00266
Skewness/Kurtosis тести					
Ўзгарувчи	Кузутувлар сони	Pr (skewness)	Pr (Kurtosis)	Adj chi2 (2)	Эҳтимоллик > chi 2
r	14	0.0013	0.0029	13.78	0.0010


Яъни, қолдиқлар нормал тақсимланмаган. Бунга сабаб, махсус иқтисодий зоналар фаолияти борасида 14 йиллик натижаларни олинганидир.

Шунингдек, Gauss-Markov шартларининг 6-шарти бўйича график

таsvири куйидаги ифодаланган. Унга кўра, қолдиқлар нормал тақсимланмаганлиги боис, график таsvири тўлиқ симметрик жойлашмаган. Ушбу ҳолатда ҳам H_0 гипотезани рад этиб, H_1 гипотезани қабул қиламиз.

⁷ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

⁸ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.



4-расм. Gauss-Markov шартларининг 6-шарти бўйича график тасвири⁹

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, махсус иқтисодий зоналарга киритилган инвестицияларга солиқ ва божхона имтиёзларнинг таъсири

эконометрик баҳолаш нуқтаи назаридан тузилган бир қанча моделларни умумлаштириб, қуйидагича ифодалаш мумкин:

7-жадвал

OLS модели таҳлил натижалари¹⁰

Ўзгарувчилар	1-модел	2-модел	3-модел
TP	.51598928		.74319303**
CP		.82321635***	.87118014***
-cons	162.006	75.818302	-9.5723.83
N	14	14	14
r ²	.06387509	.65701238	.78729349
aic	199.89742	185.84066	181.15173
bic	201.17554	187.11877	183.0689

Изоҳ: * $p < .1$; ** $p < .05$; *** $p < .01$

Stata дастури орқали эконометрик таҳлил натижаларига кўра, махсус иқтисодий зоналарга киритилган инвестициялар ҳажмига 2 та таъсир этувчи омиллар (солиқ (TP) ва божхона (CP) имтиёзлари) статистик аҳамиятлилиги 1***, 5** ва 10* фоизлик шкалада таҳлил қилинган.

Шунга кўра, 1 ва 2-моделларда 1 тадан ўзгарувчи, 3-моделда 2 та

ўзгарувчининг таъсири таҳлил этилган. Бу борада, таҳлил натижалари статистик аҳамиятга эга. Буни энг яхши моделни танлаш орқали шарҳлаш мумкин. Яъни, r^2 , aic, bic каби энг яхши модел сифатларини аниқловчи тест натижаларига кўра, 3-моделнинг кўрсаткичлари бошқа моделларга нисбатан кичик бўлганлиги учун энг яхши модел сифатида танлаймиз:

$$y (INV) = 0,74TP ** + 0,87CP *** - 9,77$$

⁹ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

¹⁰ Stata дастури орқали муаллиф томонидан тузилган.

Хулоса. Тузилган регрессия тенгламаси бўйича 3-моделнинг статистик аҳамиятлиги шундан иборатки, солиқ имтиёзлари статистик жиҳатдан 5 фоизлик аҳамиятли бўлиб, солиқ имтиёзларининг 1 бирликка оширилиши махсус иқтисодий зоналардаги инвестициялар ҳажмини 0,74 млн долларга оширишига олиб келади. Шунингдек, иккин ўзгарувчи ҳисобланган божхона имтиёзлари статистик жиҳатдан 1 фоизлик аҳамиятли бўлиб, мазкур имтиёзнинг 1 бирликка оширилиши махсус иқтисодий зоналар инвестициялар

ҳажмини 0,87 млн долларга ошишига ижобий таъсир этади.

Амалга оширилган экнометрик таҳлил натижалари асосида айтиш мумкинки, махсус иқтисодий зоналарнинг инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва киритилаётган инвестициялар ҳажмини оширишда солиқ ва божхона имтиёзлари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур имтиёзларни қўллаш самарадорлигини ошириш орқали махсус иқтисодий зоналарга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг ошишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. United Nations. (2019). World Investment Report: Special Economic Zones. United Nations Conference On Trade and Development (UNCTAD). United Nations Publications. <https://worldinvestmentreport.unctad.org/world-investment-report-2019/chapter-4-special-economic-zones/>
2. UNCTAD. List of Landlocked Developing Countries. <https://unctad.org/topic/landlocked-developing-countries/list-of-LLDCs>
3. Ash, S. (2017). Opportunities and risks for investors in central and east Europe. Financial Times.
4. Bubbico, R., Gattini, L., Gereben, Á., Kolev, A., Kollár, M., & Slacik, T. (2017). Wind of change: Investment in Central, Eastern and South Eastern Europe. European Investment Bank.
5. Günther, J., & Kristalova, M. (2016). No Risk, No Fun? Foreign Direct Investment in Central and Eastern Europe. Intereconomics, 51(2), 95-99.
6. Zakharova O., Bezubchenko O., Mityushkina K., Nikolenko T. (2020). Assessment of countries' international investment activity in the context of ensuring economic security. Problems and Perspectives in Management, 18(4), 72-84.
7. Абдуллаев И., Т.Рахимов. Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишини прогнозлаш усуллари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил. 9 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, солиқ ва божхона қўмиталари маълумотлари.
9. Лешина И.Е. Развитие особых-экономических зон при обеспечении экономической безопасности Дисс. автореф. ... и.ф.н. Москва. 2007. -24 б.
10. Турсунов К.Б., Ражабов Н.Р.. Инвестиция муҳити жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. - Т.: "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи". 2021. 212 бет.